



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 11 декабрь, № 256 (8879)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ: ҚЎШИМЧА ИМКОНияТЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР ТАҲЛИЛИ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 декабрь куни Тошкент вилоятида қўшимча имкониятларни ишга солиш, иш ўрни ва инвестицияни кўпайтириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Тошкент вилоятида саноат, қишлоқ ҳўжалиги, хизматлар, туризм, умуман, барча соҳада жуда катта имкониятлар бор. Сўнгги етти йилда ҳудуд иқтисодиёти 1,5 баробар ўсган. Саноат корхоналари 2 қарра кўпайиб, 12 мингтага етган.

Лекин имкониятлар бундан анча кўп, улар тўла ишга солинмаяпти. Масалан, вилоятдаги жами ерларнинг бор-йўғи 25 фозидан қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилади. Ҳар гектарга тўғри келадиган даромад ҳам бошқа жойларга нисбатан кам. Бекобод ва Охангарон шаҳарлари, Оққўрғон, Чиноз, Пискент туманларида қайта ишлаш даражаси жуда паст. Озиқ-овқат хавфсизлиги, мева-сабзавотлар экспорти ҳам имкониятга яраша эмас.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чоралари белгиланди. Унга кўра ҳар бир кластер, фермер ва деҳқон ҳўжалиги майдонидаги экинлар, маҳсулот ҳажми, ишчилари сони, солиқ тушуми каби маълумотлар "Агроплатформа" ахборот тизимиغا киритилади. Келгуси йилда мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган 7 та туманда 52 минг гектарда 3 марта ҳосил олиш йўлга қўйилади. 5 минг гектарда саноатлашган боғ ва тоқзорлар ташкил қилинади.

Умуман, 22 та туман-шаҳар-

даги ерлар қайта ишловчи ва экспортчи корхонага боғланади. Бу орқали келаси йил 3,5 миллион тонна мева-сабзавот етиштириб, 500 миллион доллар экспорт қилиш мумкинлиги айтилди.

Тошкент вилоятининг инфра-тузилмаси, логистикаси тадбиркорлик учун жуда қулай. Лекин ишлаб чиқариш, савдо ва хизматлар умумий майдони уч йилда бор-йўғи 1,6 миллион квадрат метрга ошган, бу пойтахтдан 3,5 баробар кам. Инвестициявий лойиҳалар учун тоифаси ўзгартирилган 9 минг гектар ернинг 2 минг гектаридан фойдаланилмаяпти. Бўш турган давлат иншоотлари ҳам бор.

Холбуки, инвесторлар бу ҳудудда "ақлли" шаҳар, табибей кластери, "яшил" энергетика станцияси қуриш ташаббусини билдирган. Водийлик ва пойтахтлик минглаб тадбиркорлар ҳам бизнесини кенгайтириш, янги корхона, меҳмонхона, савдо ва туризм мажмуалари қуриш учун жой излаб юрибди.

Давлат активларини бошқариш агентлиги ва вилоят мутасаддиларига бу борадаги суст-кашликлар кўрсатиб ўтилди. Бино ва ерларни тадбиркорларга қулай шартда аукционга чиқариш, уларнинг негизда инвестиция, иш ўрни ва экспортни кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Тошкент вилояти ҳоқими кел-

гуси йил 5 миллиард доллар инвестиция жалб этиш ҳамда экспортни 2 миллиард долларга етказиш бўйича режаларини тақдирот қилди. Давлатимиз раҳбари унинг таркибига эътибор қаратиб, қўллаб-қувватлаш ин-вестициянинг ярми шундоғам ривожланган Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари, Охангарон, Зангиота ва Қибрай туманларига тўғри келишини қайд этди. Шу боис саноат ва хизматлар нисбатан орқанда бўлган Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Паркент, Пискент, Қуйи Чирчиқ ва Чинозда қўшимча лойиҳалар қилиб, иш ўринлари очиш зарурлиги таъкидланди.

Тошкент вилоятидаги имкониятлар ҳисобига барча аҳолини даромадли қилиш мумкинлиги айтилди. Келгуси йилда вилоятда 700 минг одамнинг бандлигини таъминлаш, ишсизликни табиий даражасигача тушириш, 22 минг оилани даромадли қилиб, камбағалликни ҳозирги 7,2 фоздан 4 фозга камайтириш, меҳнат мигрантларини юртимизга қайтариб, ишга жойлаштириш вазифа қилиб олинди.

Президентимиз йиғилишда қатнашган вилоят тадбиркорлари билан ҳам мулоқот қилди. Уларнинг тақлиф ва ташаббусларига алоҳида эътибор қаратиб, бу борада мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Давлатимиз раҳбарига озиқ-овқат саноатида амалга оширилаётган ишлар ҳамда 2025 йилги режалар бўйича ахборот берилди.

Аҳоли сони изчил ўсаётган бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб бўлиб бормоқда. Бунинг устига глобал иқлим ўзгаришлари, ер ва сув тақчиллиги қишлоқ ҳўжалигида қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Шундай шароитга қарамайдан бу йил юртимизда 9 миллион тонна дон, 3 миллион тоннадан ортиқ пахта, 16 миллион тоннадан зиёд сабзавот ва полиз, 5 миллион тонна мева ва узум, 4 миллион тонна картошка, 15 миллион тоннадан кўп гўшт ва сут етиштирилди. Озиқ-овқат саноати бўйича 343 та лойиҳа ишга туширилди.

Шу билан бирга, маҳаллийлаштириш бўйича ҳали имкониятлар кўп. Айниқса, нон, сут, гўшт, ўсимлик ёғи, қандолат ва салқин ичимликлар ишлаб чиқаришни ошириш керак.

Йиғилишда шу борадаги чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Сўнгги йилларда қандолат маҳсулотлари экспорти 4 қарра ошиб, 13 миллион долларга етган. Хомашё, қадоклаш ва этикеткалаш маҳсулотлари тўғридан-тўғри олиб келиниб, таннарх 20 фозга камайгани туфайли рақобатдошлик анча ошган. Бу имтиёзлар муддати 2025 йил 1 январда тугайди. Ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш мақсадида мазкур муддатни яна 2 йилга узайтириш тақлифи қўриб чиқилмоқда.

Ер-мой саноатида 408 та корхона очилган. Лекин юртимизда хомашё қамлиги учун улар ҳар доим ҳам тўла қувватда ишламаяпти. Ер-мой экспортига рухсат берилса, ишлаб чиқариш 120 минг тоннага ошиб, 240 минг тонна озуқа ем тайёрланиши ҳисоб-китоб қилинган.

Бош вазир ўринбосарига бозор талабларидан келиб чиқиб, бу борада тақлиф киритиш топширилди.

Мамлакатимизда "ҳалол" сертификатига эга миллий бренд корхоналари кўпайиб, минтақа ва араб давлатларига гўшт маҳсулотлари экспорт қияпти. Лекин бизда қолбаса маҳсулотларини сақлашнинг стандарт муддати 3 ой этиб белгиланган. Хориждаги истеъмолчиға етиб боргунча 2 ой кетаяпти. Гўшт маҳсулотини сақлаш муддати Европа стандарти каби 4 — 12 ойга оширилса, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини 2 қарра кўпайтириш имконияти очилади. Шунинг учун бу борадаги стандартларни халқаро стандартларга мослаштириш вазифаси қўйилди.

Сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида уларни таҳлил қиладиган лабораториялар ташкил этиш зарурлиги айтилди. Шундан келиб чиқиб ушбу маҳсулотларнинг табиий ёки қуруқ судтан тайёрлангани тўғрисида белги қўйилди.

Юртимизда салқин ва алкогольсиз ичимликлар, мева-сабзавотдан табиий шарбат ишлаб чиқариш ҳам яхши йўлга қўйилган. Сўнгги 5 йилда уларнинг экспорти 9 баробар ошиб, 35 миллион долларга етди. Лекин ўзимизда йўқ тропик мевалар концентратига бож қўйилгани учун бошқа давлатлар маҳсулотлари билан рақобатда ют-қазаяпти. Шу боис тропик мевалар концентратларини божхона божидан озод қилиш тақлифи билдирилди.

Йиғилишда мутасаддилар "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури асосида соҳадаги тадбиркорлар билан олиб борилаётган ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳақида ахборот берди. Президентимиз келгуси йилда бу ишларнинг сифатини янада ошириш ва кўламини кенгайтириш бўйича топшириқлар берди.

Ў.А.

Шуқуҳ

ХАЛҚИМИЗНИНГ БИРДАМЛИК ҚЎШИҒИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинганининг 32 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз бўйлаб турли тадбирлар ўтказилди.

Она халқимизни буюк мақсадлар сари бирлаштириш, ёшларда миллий ватанпарварлик ҳиссини шакллантиришда давлат рамзлари қабул қилинган кунларни байрам сифатида кенг нишонлаш катта ижобий самара бормоқда.

Айниқса, халқимизнинг бош қўшиғи — Давлат мадҳияси мамлакатимиз мустақиллиги ва эркинлигини ифодаладиган мусиқий асар сифатида узоқ йиллардан бери авлодлар ўртасида умуммиллий бирлик ва яхлитликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Ушбу муқаддас тимсол мардона ва шарафларга бой ўтмишимиз, миллий анъана ва қадриятларимиз, тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тоғувлик ва биродарлик каби умуминсоний туйғуларни ўзида мужассам этади.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 6 декабрдаги баёғига мувофиқ, 10 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинганининг 32 йиллиги байрам тадбирлари "Юракни мадҳ этган садо!" шиори остида ўтказилди.

Эрта тонгдан барча давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим масканлари, ҳарбий қисмлар, ҳарбий

билим юртлари ва бошқа ҳуқуқ-тартибот муассасаларида Давлат мадҳияси жүр бўлиб қўйилди.

Ана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказида Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда ташкил қилинди. "Тамaddon, маданият ва маърифат" шиори остида ўтган ушбу тадбир аввалида иштирокчилар Давлат мадҳиясини биргаликда жонли ижро этишди.

Шундан сўнг сўз олганлар мадҳия ва унинг тарихи, беқиёс руҳи, келажак авлод олдидаги абадий бурч ҳақида гапирди. Миллий ғуруримиз тимсолига айланган ушбу муқаддас қўшиқдаги ҳар бир сўз, жозибдор оҳанг кўнглиларга кўтаринки шукҳу бағишлаб, халқимизни эзгу мақсад йўлида янада жипслаштириши, юксак марраларга руҳлантириши таъкидланди.

Шунингдек, Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказида амалга оширилаётган ишлар ҳусусида ҳам сўз борди. Иштирокчилар учун марказ фаолиятига бағишланган видеоролик тақдим этилди.



МАСЪУЛЛАРНИНГ БИЛИМ ВА КўНИКМАЛАРИ ОШИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ижро ҳўкимияти органлари раҳбар кадрлари ҳамда секторлар раҳбарлари иштирокида ўқув-амалий семинар бўлиб ўтмоқда.

Семинар

Давлатимиз раҳбарининг парламент палаталари мажлисларида сўзлаган нутқлари ҳамда 2025 йил — "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил иқтисодиёт" йили" деб эълон қилиниши муносабати билан ижро ҳўкимияти органлари раҳбар кадрлари ва секторлар раҳбарлари олдида турган вазифаларга бағишланган ушбу семинарда вазирлик ҳамда идоралар масъуллари, Фар-

ғона, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари сектор раҳбарлари қатнашапти. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кириш сўзи билан очиб, семинарни ўтказишдан мақсад ва унинг аҳамияти ҳақида тўхтади. Хусусан, бу соҳалар раҳбарларининг аҳоли муаммоларини аниқлаш ҳамда ҳал этиш тизимининг самарали ишлашини таъминлаш бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантиришда муҳим ўринга эгаллигини таъкидлади.



Муносабат

ПАРЛАМЕНТ ВАКОЛАТЛАРИ ВА НАТИЖАДОРЛИК

Бош қомусимизнинг 32 йиллиги "Конституция — эркин ва фаровон ҳаёт гарови!" деган бош ғоя асосида кенг нишонланди. Президентимизнинг халқимизга йўллаган байрам табриғида қайд этилганидек, инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича Асосий Қонунимизда муҳрлаб қўйилган устувор тамойилларни ҳаётга изчил татбиқ этиш борасида юртимизда кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, янги тахирдаги Конституцияимизнинг халқчиллиги шундаки, унда конституциявий нормалар сони 275 тадан 434 тага етди ёки 159 тага кўпайди ҳамда уларнинг ижро механизмлари очиб берилган. Бу эса Асосий Қонунимизнинг тўғридан-тўғри ишлайдиган ҳужжат эканлигидан далолатдир.

Бош қомусимизда парламент Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари, ҳар бир палатанинг алоҳида-алоҳида ваколатлари ва масъулият соҳалари аниқ белгиланган берилгани диққатга сазовор. Хусусан, Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари бештадан ўн иккитага етди.

Давлат бюджетни ижросини назорат қилиш, Ҳисоб палатасининг ҳисоботини қўриб чиқиш, Бош вазирнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг ўз фаолияти юзасидан ҳисоботларини эшитиш, давлат органларининг мансабдор шахсларига парламент сўровини юбориш ва парламент назоратининг бошқа шакллари амалга ошириш каби ваколатлар конституциявий норма даражасига кўтарилди ва парламент назорати кучайишининг муҳим омилга айланди.



Сиёсий партиялар фракцияларида

ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАРДА ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

Кеча мамлакатимизда миллий ғуруримиз, истиқлолимиз тимсоли — Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинганининг 32 йиллиги кенг нишонланди. 1992 йил 10 декабрь куни Олий Кенгашнинг 400 дан зиёд депутатлар қатнашган 11-сессиясида қабул қилинган мадҳияимизнинг бугун ҳар биримизнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳақида сиёсий партияларнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишларида батафсил тўхталиб ўтилди. Унинг ҳар бир сўзи бутун Ўзбекистон аҳлининг асрий орзу-истаклари, ғайрат-шижоати, халқимизга хос меҳмондўстлик, аждоқлар ёди ҳамда миллат ғурурини мужассам этгани билан аҳамиятли экани алоҳида айтилди. Шундан сўнг йиғилишларда парламент қуйи палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига



киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Кредитларни фуқаролар хабарисиз уларнинг номига расмийлаштириш ҳолатлари бартараф этилади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида кредит соҳасидаги муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокамага сабаб бўлди.

Кейинги йилларда фирибгарлик йўли билан фуқароларнинг хабарисиз

сўсан, "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кредит соҳасидаги муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокамага сабаб бўлди.

Кейинги йилларда фирибгарлик йўли билан фуқароларнинг хабарисиз

кредит маблағларини уларнинг номига расмийлаштириш ва мазкур кредит маблағларини ўзлаштириш ҳолатлари тобора ортиб бормоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг асосий мақсади эса фирибгарлик йўли билан фуқароларнинг хабарисиз кредит маблағларини уларнинг номига расмийлаштириш ва бу маблағларни ўзлаштириш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган механизмни яратишдан иборат.



ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЭНГ МУҲИМ ДРАЙВЕРИ

Охирги беш йилда тоғ-кон ва металлургия соҳасига қарийб 9,5 миллиард долларлик инвестиция жалб қилиниб, 15 та йирик лойиҳа ишга туширилди.

Факт ва рақамлар



Келгуси йилда:

- тоғ-кон ва геология соҳасидаги лойиҳаларга 1 миллиард долларлик инвестиция жалб қилиш;
- каолин ишлаб чиқаришни 50 фоз ошириш;
- кўмир казиб олишни 10 миллион тоннага етказиш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида 3-мис бойитиш фабрикаси ва Ўзбекистон металлургия комбинатида янги қуув прокатлаш мажмуаси ишга туширилади.



МАСЪУЛЛАРНИНГ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИ ОШИРИЛМОҚДА

Шунингдек, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзилла Норбоева мулоқот давомида “маҳалла еттилиги” фаолиятини янги механизм асосида йўлга қўйиш, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доира-сида амалга оширилаётган иш-ларни жадаллаштириш, маҳалла-бай ишлашга масъул раҳбарлар фаолиятини янада самарали, жипсликда ташкил этиш масала-ларига урғу берди.

Укув-амалий семинарда ҳудуд-ларни иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, инвестиция, экспорт ҳамда маҳал-лийлаштиришда устувор масала-лар бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Кўпчиликни қизиқтирадиган миграция жараёнларини тартибга солиш, янги мезонга кўра ер ажратиш, маҳаллалардаги бўш

объектлардан самарали фойдала-ниш ва кадастр ҳужжатларини рас-мийлаштириш ҳамда йўл бўйи ҳудудларда инфратузилмани яхши-лаш, аҳолини уй-жой билан таъ-минлаш ҳақидаги янгиликлар тингланди.

Айтиш жоизки, мазкур тадбир давомида шахарсозлик, атроф-муҳитни асраш, ислохотларнинг ҳудудлардаги самарадорлигини ҳамда мансабдор шахслар фаоли-ятида қонун устуворлигини таъ-минлаш ва бошқа долзарб мавзу-ларда вазирлик ҳамда идоралар раҳбарлари, соҳа мутахассислари томонидан мулоқот шаклида маъ-рузалар ташкил этиш назарда ту-тилган. Мухокамадаги масалалар юзасидан эса ечимлар ишлаб чи-қилади.

Укув-амалий семинар 21 декабр-гача давом этади.

«Халқ сўзи».

ПАРЛАМЕНТ ВАКОЛАТЛАРИ ВА НАТИЖАДОРЛИК



Яна бир эътиборли жи-хат, янги таҳрирдаги Консти-туцияда Қонунчилик палатаси томо-нидан қабул қилинган қонунлар томонидан олтимиш кун ичида кўриб чиқиلىши белгиланди. Агар Сенат қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида олтимиш кун ичида бир қарорга келмаса, қўйи палата то-монидан қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Респуб-ликаси Президентига юборилиши на-зарда тутилди.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз имзолангандан сўнг Конституция палатасида дарҳол унинг нормаларини амалдаги қонунчиликка имплементация қилиш жараёنлари бошланди. Ўтган қисқа давр мобайнида амалда-ги 150 дан ортиқ қонунларга консти-туциявий нормалар имплементацияси бажарилди. Мисол учун, ўтган 2023 йилнинг 14 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилинган қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг янги таҳрирдаги Консти-туцияда белгиланган мутлақ ваколат-ларини ҳамда парламент назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосла-рини такомиллаштириш, қонунчилик тақлифларини илгари суриш ва қонун-ларни қабул қилишнинг янги тартиб-ини назарда тутувчи ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан 13 та қонунга, шундан 4 таси Конституция-вий Қонун, 1 та кодексга тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритил-ди. Хусусан, Конституциямизнинг 94-моддасига асосан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мутлақ ваколат-лари юзорида таъкидланганидек, 5 тадан 12 тага, 95-моддасига муво-фиқ Олий Мажлис Сенатининг мут-лақ ваколатлари 14 тадан 18 тага

оширилганлиги тегишли қонун ҳуж-жатларида ўз аксини топди.

Шунингдек, 92-моддага мувофиқ Сенат аъзолари ҳар бир маъмурий ҳудудий бириктирилган 4 нафардан сайла-ниши, 9 нафари эса Президент томо-нидан тайинланиши (жами 65 нафар) белгиланди. Доимий асосда ишловчи сенаторлар сонин эса амалдагидек 25 нафар миқдорда сақлаб қолинди.

104-моддага асосан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг ва доимий ишлайдиган сенаторнинг ўз ва-колатлари даврида илмий ва педаго-гик фаолият билан бир қаторда ижо-дий жабҳада ҳам шуғулланиши мум-кинлиги ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилди.

Яна бир муҳим масала. 98-модда-га биноан парламент қўйи палатасига қонунчилик тақлифларини қонунчилик ташаббуси тартибидея киритиш ҳуқуқи сайлов ҳуқуқига эга бўлган, 100 миң нафардан кам бўлмаган фуқароларга, Сенатга, Омбудсманга ва Марказий сайлов комиссиясига берилди. Қонун-чилик тақлифидея муайян қонунни қабул қилиш, ўзгаришлар киритиш, бекор қилиш зарурати асосланганли-лиши ҳамда унинг ғояси ва қўллаёт-ган натижалар ҳақида маълумот бўли-ш кераклиги белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, фуқаролар томо-нидан киритилган қонунчилик тақ-лифининг механизми ва унинг предме-ти бўлиши мумкин бўлмаган масала-лар аниқлаштирилди. Жумладан, ҳуду-дий яхлитлиқни ўзгаришлар, амнистия ва афв этиш, мансабдор шахсларни тайинлаш ва вазифасидан озод қилиш шундай масалалар сирасига киради.

Маълумки, давлатимиз раҳбарин-инг шу йил 18 ноябрдаги нутқида фуқароларнинг ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаш мақсадидея Қонун-чилик палатаси ҳузурида Жамоавий ташаббуслар бўйича парламент ко-миссиясини ташкил этиш тақлифи билдирилди.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз нормаларига мос равишда илгари су-рилган бундай тақлифлар ижросини таъминлаш зиммасизга улкан масъ-улият юқлайди. Зеро, Асосий Қону-нимиз янги Ўзбекистоннинг порлоқ келажакни белгилаб берган, жадал суръатларда амалга оширилаётган ортга қайтмас ислохотларимизнинг ҳуқуқий асосидир.

Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАРДА ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОР



Қонун лойиҳаси билан жисмо-ний шахс ўзининг иштирокисиз ёки хабарисиз кредит битимини рас-мийлаштириш билан боғлиқ фирибгарликларнинг олдини олиш мақсадида кредит бюросига ариза киритиш орқали у билан кредит бити-мини тузишни тақиқлаш мумкин бўлади.

Депутатлар қонун лойиҳасини кўриб чи-қиш жараёнида унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига алоҳида тўхталиб, лойиҳада на-зарда тутилаётган айрим нормалар бўйича ўз фикр-мулоҳазалари, тақлиф ва тавсия-ларини билдирди. Унга киритилаётган ўзгаришлар ва қўшимчалар бўйича савол-лар берилди.

Қонун ташаббускорлари депутатлар то-монидан кўтарилган саволларга батафсил тушунтириш бериб, унинг қабул қилиниши фуқароларнинг хабарисиз кредитларини улар номига расмийлаштириш ва мазкур кредит-ларни ўзлаштириш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилишини қайд этдилар.

Йиғилишда “Ер участкаларидан фойда-ланиш тартиби янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республика-сининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгари-риш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

Фракция аъзоси Нуриддин Султонов қонун лойиҳасининг аҳамиятига тўхталиб, у билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ер участкаларидан рұх-сат этилган фойдаланиш турларини жорий қилишни назарда тутувчи ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилаётганини таъкидлади. Шунингдек, Ер кодекси алоҳида 21-боб бил-лан тўлдирилди, унда ер участкаларидан рұхсат этилган фойдаланиш тизимини жор-ий қилиш, уларни белгилаш ва ўзгари-риш тартиблари ўз аксини томоқда.

Йиғилишда депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — заргарлик соҳасини янада ривожлантиришга қаратил-ган қонун лойиҳаси.

Унда 2027 йил 1 сентябрга қадар “Ўзбекзаргарсарноати” уюшмасига аъзо бўлган заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорларни мол-мулк ва ер солиғидан озод этиш белгилан-моқда.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланмади

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” де-мократик партияси фракцияси йиғили-шида бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда дастлаб чиқиндиларни тўллаш ва олиб чиқиш хизматлари кўрсатиш соҳа-сида тўлов интизомини мустаҳкамлашга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳасида чиқинди хиз-матлари учун ойлик тўловлардан қарздор-лик бўлган истеъмолчиларни қисқа хабар (SMS) орқали хабардор қилиб бориш, қарз-дорлик вужудга келганлиги тўғрисида оғо-лантирилганидан кейин тўловлар амалга оширилмаган тақдирда истеъмолчилар чи-қинди хизматлари бўйича қарздорларни бар-тарф этмаганига қадар уларнинг электр энергияси учун тўловларни қабул қилишни ватгиначилик чеклашга қаратилган ҳуқуқий нормаларни белгилаш тақлиф этилмоқда.

Қизгин муҳокамадан жараёнида қонун лойиҳасидаги айрим нормалар фракция аъзоларининг жиддий эътирозларига сабаб бўлди ва қўллаб-қувватланмади.

Шунингдек, йиғилишда жамоат транспортидан фой-даланиш самарадорлигини оширишга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

Маълум қилинганидек, кейинги йилларда аҳолига қулайликлар яратиш мақса-дида жамоат транспортига устуворлик бериш бўйича амалий чоралар қўрилмоқда. Хусусан, биргина пойтахтда автобуслар сонин сўнгги йилларда 2 баробар ошди. Автобуслар учун 48,2 кило-метр алоҳида йўлақлар таш-кил этилиб, оралиқ интервал 2 баробарга қисқартирилди. Бироқ қонунчиликдаги бўшлиқлар жамоат транспорти самарадор-лигини янада оширишга жиддий тўсиқ бўлмоқда. Жумладан, қонунчиликда жамоат транспорти учун алоҳида ажратилган йўлак-ларда ҳаракатланган транспорт воситалари ҳайдовчилари учун жавобгарлик назарда ту-тилмаган. Натижада енгил автомобиллар бундай йўлақларда бемалол ҳаракатланиб, автобуслар қатновига тўсқинлик қилмоқда.

Шундан келиб чиқиб ушбу қонун лойиҳа-си билан Маъмурий жавобгарлик тўғриси-даги кодексга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мунозаралар давомида фракция аъзо-лари қонун лойиҳасини янада такомиллаш-тириш, уни пишиқ-пuxта ҳолатга келтириш ва маромига етказиш бўйича ўз тақлиф ва тавсияла-рини билдирди.

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат —“Валютани тартиб-га солиш тўғрисида”ги “Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 111-моддасига активларни репатриация қилиш талабларини тако-миллаштиришга қаратилган ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Унда ташқи савдо опе-рациялари бўйича белгилан-ган муддатларда активлар репатриация қилинмагани учун қўлланиладиган жавобгарлик чорала-рини соддалаштириш орқали такомил-лаштиришни назарда тутувчи ўзгаришлар киритилмоқда.

Фракция аъзолари булар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Хусусан, депутат Нодир Тилаволдиев мазкур қонун лойиҳаси билан ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун қўлланиладиган ўз босқичли жами 50 фоизлик жарима қўллаш тартибини бекор қилиб, унинг ўрнига қайтмаган актив-ларнинг 20 фоизи миқдорда бир марталик молиявий жаримани қўллаш тартиби жорий этилаётганини айтди. Бунда битта ташқи савдо шартномаси доирасида амалга оширилган операциялар бўйича муддати ўтган қарздорлик суммаси 10 фоиздан ошган тақдирда молиявий жаримани қўллаш тартибдаги жавобгарлиқни енгиллаштириш белгиланмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси ташқи савдо опе-рацияларини амалга оширишда тадбиркор-лик субъектларига қўшимча қулайликлар ҳамда муддати ўтган дебитор қарздорлик-ларни қисқартириш имконини яратди.

Йиғилишда кун тартибидан ўрин олган бошқа қонун лойиҳалари ҳам атрофлича му-ҳокама қилиниб, депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Молиявий маблағларга бўлган эҳтиёж қондирилади

Ўзбекистон “Адолат” социал-демок-ратик партияси фракцияси йиғилишида йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъ-минлаш, жамоат транспортидан фойдала-ниш самарадорлигини ошириш, алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солишга қара-тилган қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

“Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш тизими такомиллаштирилиши муно-

сабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама марказида бўлди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳаси билан “Давлат божи тўғрисида”ги, “Лицен-зиялаш, рұхсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги ва “Алко-голь ва тамаки маҳсулотларининг тарқати-лишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги қонунларга тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилмоқда.

Шунингдек, истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш, алкоголь маҳсулотларининг улгʻур-жи савдоси фаолиятига берилган лицензия учун йиллик давлат божини тўлашнинг аниқ муддатини белгилаш кўзда тутиляпти.

“Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилиниши-ни чеклаш тўғрисида”ги Қонунга эса вако-латли органга тамаки маҳсулотлари билан улгʻуржи ва чакана савдо қилиш фаолияти бошланishi тўғрисида хабарнома юбориш йўли билан амалга оширилиши ҳақида нор-ма киритилмоқда.

Депутатлар ушбу қонун лойиҳасини а-трофлича муҳокама қилиб, партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда уни яна-да такомиллаштириш, маромига етказиш бўйича ўз муносабатларини билдирди. Қонун ташаббускорлари берилган тақлифлар асо-ли эканини, улар лойиҳани пишиқ-пuxта



ҳолатга келтириш ва маромига етказиш жа-раёнида эътиборга олиншини таъкидлаш-ди. Мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Шундан сўнг “Ўзбекистон Республикаси-нинг айрим қонун ҳужжатларига пўл талаб-номасидан бошқа шахс фойдасига воз ке-чиш эвазига молиялаш (факторинг) муно-сабатларини ривожлантиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўри-сида”ги қонун лойиҳаси муҳокама маркази-да бўлди.

Депутатлар қонун лойиҳаси пўл талаб-номасидан бошқа шахс фойдасига воз ке-чиш эвазига молиялаш (факторинг) бўйича за-монвий қонунчилик базаси яратилишига, факторинг операцияларининг оммалашуви ва ривожланишига, пировардида тадбиркор-лик субъектларининг молиявий маблағлар-га бўлган эҳтиёжларининг қондирилишига хизмат қилишини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватлади.

Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги таъминланади

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, ҳозирги кунда фуқаролар томонидан транспорт восита-ларини бошқариш жараёнида йўл ҳарака-ти қондаларга амал қилмасдан, велоси-пед йўлақлари, тротуарлар ҳамда яшил ҳудуд майдонларидан ҳаракатланиш ҳолат-лари учраммоқда. Бу эса бевосита пидеа-лар, яъни инсонлар ҳаётига турли дара-жада хавф соляпти.

Шу билан бирга, фуқаролар ўз яшаш ҳудудларидея қўчаларда ноқонуний ра-вишда сўнғий тўсиқлар ўрнатиши, йўлни

тўсиб қўйиш орқали ҳаракатланиши чек-лаш ҳолда транспорт воситалари ҳайдов-чилари ва бошқа фуқароларга, айниқса, аҳолига шошилиш хизмат кўрсатувчи мах-сус транспорт воситалари ҳаракатига тўсқинлик қилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан ҳайдов-чиларнинг тротуарлар, велосипед йўлак-лари, яшил ҳудудлар майдонларидан ҳаракатланишининг олдини олиш ва йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчилари ҳамда атроф-муҳитга етказиладиган зар-рарни қамайтириш, шунингдек, аҳоли то-монидан ноқонуний равишда йўлнинг қат-нов қисмига тўсиқлар ўрнатиш ёки йўлларни тўсиб қўйиш, транспорт воси-талари ва фуқароларнинг ҳаракатига тўсқинлик қилиш ҳолатларига чек қўйиш учун жавабгарлиқни белгилаш тақлиф этилмоқда.

Йиғилишда депутатлар бу жиҳатларни маъқуллаган ҳолда йўлларни қайта қўлла-тириш, сифатли ҳамда хавфсиз ҳолга келтириш ҳам муҳим эканини таъ-кидлади. Хусусан, ЎзАДП фракцияси аъзо-си Анвархон Теймуров қонун лойиҳасининг мазмунини унинг заруратини кўрсатаётгани-ни таъкидлади. Бироқ ундан олдин амалга оширилиши керак бўлган ишлар борлигига эътибор қаратди. Бунинг учун, биринчи навбатда, пидедалар ҳамда велосипед йўлақларини, тротуарларини белгилаш ва тартибни аниқлаб олиш лозимлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, ҳозир қурилаётган кўп қаватли йўлар ёки бошқа объектлар ол-дида автотураргоҳ бўлиши мумкин. Аммо аксарият биноларга кириб чиқиш учун ҳайдовчи автомобилини мажбуран йўл четларига, пидедалар йўлагига ёки белги-ланмаган бошқа жойларга қўйишга маж-бур бўлади. Бу каби ноқулайликлар бор экан, жаримага тортиш билан масалага ечим топиб бўлмаслиги билдирилиб, қатор тақлифлар илгари сурилди. Мухо-камадан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қув-ватланди.

Кун тартибига киритилган қонун лойи-ҳалари атрофлича кўриб чиқилиб, тегиш-ли қарор қабул қилинди.

Қурилиш ташкилотлари янада эътиборли бўлади

Ўзбекистон Экологик партияси фрак-цияси йиғилишида депутатлар томонидан қурилишда чанг ва кўм зарраларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этишга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда қури-лиш ва урбанизация қўламининг кенгайи-ши, қурилиш объектлари майдонларидан чанг ва кўм зарраларининг шамол орқали ҳавога кўтарилиши ҳолатлари атмосфера хавосининг ёмонлашишига сабаб бўлмоқда.

Шундан келиб чиқиб қонун лойиҳаси бил-лан қурилиш майдонларида атмосфера хавосини муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун қурилиш ташкилотлари ман-сабдор шахсларининг жавобгарлигини бел-гилаш тақлиф этиляпти.

Фракция аъзоси Моҳира Хўжаева маз-кур қонун лойиҳаси экологик вазиятни ях-шилаш, атмосфера хавоси ифлосланиши-нинг олдини олиш, қурилиш ташкилотла-рининг масъулиятини ошириш, фуқаролар-нинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш бо-расидаги конституциявий ҳуқуқларини таъ-минлашга хизмат қилишини таъкидлаб ўтди. Мухокама сўнгидея қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда, шунингдек, чиқиндиларни тўллаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлашга қаратилган қонун лойиҳа-си муҳокама қилинди.

Фракция аъзоларининг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши чиқиндилар-ни тўллаш ва олиб чиқиш борасида аҳолига кўрсатилаётган хизматлар янада яхшила-нишига, соҳада мавжуд камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Мухокама якунида қонун лойиҳаси юза-сидан тақлиф ва тавсиялар берилиб, лойиҳа қўллаб-қувватланди.

«Халқ сўзи».

АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШДА МУСТАЎЖАМ ЗАМИН

Инсон қадри улуғланган юртда ривожланиш бўлади. Шу боис бугун юртимизда инсон қадрини улуғлаш, қонун устуворлигини таъминлаш ва адолатли қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилляпти.

Таъкидлаш жоизки, умумхалқ референдуми орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституция инсон, унинг ҳаёти, шаъни ва қадр-қиммати, ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган демократик давлатни, бошқача айтганда, очик ҳамда адолатли жамиятни барпо этиш учун мустаъжам замин яратди. Шунингдек, мамлакатимизнинг келгусида ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларини барқарор ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини ҳамда жамият ва давлат тараққиётининг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Нуктаи назар

Бош қомусимизда илгари мавжуд бўлган “давлат — жамият — шахс” па-радигмаси “инсон — жамият — давлат” тамойилига ўзгаририлди. Қолаверса, унда инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3,5 баробарга ошиб, 50 дан ортиқ нор-маларда ўз ифодасини топди ҳамда Ин-сон ҳуқуқлари умумжаҳон декларация-си қондаларини ўзида муҳасасам этди.

Асосий Қонунимизнинг илм жазоси қатъий таъкидланишининг белгиланиши Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига инсонпарварлик ғояларига содиқлиги-ни намён қилди. Халқаро институтлар — “Миранда қоида” ва “Хабес кор-

пус” тамойилларига қатъий риоя қилин-ганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

“Миранда қоида”га кўра шахс-ни ушлаб туриш чоғида унинг ҳуқуқлари ҳамда ушлаб туриш асо-слари унга тушунарли тилда баён қилиниши, шунингдек, гумонланувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас-лига ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлиги-нинг белгиланиши Бош қомусимизнинг катта ютуқларидан бири бўлди.

Бундан ташқари, Асосий Қонун бил-ан мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи миллий инсти-тутлар қаторида Олий Мажлиснинг Ин-сон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудс-

ман) институтининг ваколатлари ва ва-зифалари кенгайтирилди.

Хусусан, 56-моддада инсон ҳуқуқла-ри бўйича миллий институтлар мақоми ва қаролатлари аниқлаштирилиб, бу миллий институтлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мав-жуд шакллари ҳамда воситаларини тўлдириши, фуқаролик жамиятини ри-вожлантиришга ва инсон ҳуқуқлари ма-даниятини юксалтиришга қўмаклашиши, давлат эса миллий институтлар фао-лиятини ташкил этиш учун шарт-ша-роит яратиши белгилаб қўйилган. 55-мод-да билан ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинлик-ларини қонунда тақиқланмаган барча усул билан ҳимоя қилишга ҳақлилиги, ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат орган-ларининг ҳамда бошқа ташкилотлар-нинг, уларнинг мансабдор шахслари-нинг қонунга хилоф қарорлари, ҳара-катлари ва ҳаракатсизлиги устидан суд-га шикоят қилиш ҳуқуқи қафолатланди.

Маълумки, фуқаролар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаат-ларини бузаётган ташкилотлар ёки ман-сабдор шахсларнинг ҳаракатлари ёхуд ҳаракатсизлиги устидан Омбудсманга мурожаат қилиши мумкин.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари

бўйича вакили (омбудсман) аҳоли му-рожаатларини фуқаролар қабули, сайёр қабуллар, почта, Ўзбекистон Республи-каси Президентининг виртуал қабулхо-наси, “www.prm.gov.uz” интернет порта-ли, “ombudsman.uz” сайти ва мобиль иловаси ҳамда “Омбудсман кути”лари орқали қабул қилмоқда. Мурожаат мазмунидан келиб чиқиб ўрганилиши лозим бўлган масалалар жойига чиқиб ўрганилмоқда ҳамда таъсир чоралари киритилиб, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланмоқда.

Бош қомусимиз фуқароларнинг Омбудсманга қилган мурожаатларида кўтарилган муаммолар масалаларни кўриб чиқиш, чуқур таҳлил этиш ва тизим-лаштириш орқали халқ овозини қонунчи-лик тақлифлари орқали халқ ноибларига етказиш имкониятини берди. Ўрни Конституциянинг 98-моддасида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича ва-кили (омбудсман)га қонунчилик тақлиф-ларини қонунчилик ташаббуси тартибидея парламент қўйи палатасига киритиш ҳуқуқининг берилиши белгиланди.

Яна бир муҳим жиҳатлардан бири, асосий ҳужжатда илк маротаба озод-ликдан маҳрум этилган шахсларнинг ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилди. Х



МАЪМУРЧИЛИК БУНЁДКОРЛАРИ



Қолаверса, қишлоқ хўжалиги равнақиға қаратилаётган катта эътибор, деҳқон ва фермерларга берилаётган имтиёз ва имкониятлар боис соҳанинг барча тармоғида олдинги йиллардагига нисбатан салмоқли йутуқларга эришилаётгани таҳсинга сазовор. Хусусан, биргина жорий йилда деҳқон ва фермерларимизнинг машаққатли меҳнати эвазига юртимизда 9 млн. тонна дон, 16 млн. тоннадан зиёд сабзавот ва полиз, 5 млн. тонна мewa ва узум, 4 млн. тонна картошка, 15 млн. тоннадан кўп гўшт ва сут етиштирилди.

Шунингдек, ушбу соҳага илғор агротехнологиялар, илм-фан ва инновация йутуқлари кенг жорий этилаётгани ҳам ижобий натижа бермоқда. Масалан, 2024 йил 100 минг гектар майдонда касаллик ва зараркунандаларга чидамли серхосил гўза навлари экилиб, улардан мўл ҳосил етиштирилди. Ғаллачиликда ресурс тежайдиган замонавий агротехнологиялари қўллаш натижасида ўртача ҳосил-

дорлик биринчи марта 85 центнерга етказилди.

Албатта, бу натижалар, йутуқлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бу йил давомида қишлоқ хўжалиги субъектларига 18 трлн. сўм имтиёзли кредит ва 176 млрд. сўм субсидия ажратилгани, умумий қиймати 3,6 трлн. сўмлик 11600 та юқори унумли замонавий техника ва агрегат етказиб берилганининг амалий натижасидир.

Президентимиз Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини муносабати билан соҳа вакиллариға йўллаган табриғида аграр тармоқда эришилган натижалар билан бирга, келгусида амалга ошириладиган муҳим вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, соҳани илм-фан асосида ривожлантиришни тизимли йўлга қўйиш, унинг барча тармоғидаги инновацион фаолиятини интеграциялаш мақсадида келгуси йили Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси ташкил қилинишини таъкидлади. Бу ниҳоятда муҳим ташаббус бўлиб, мамлакат аграр илм-фани салоҳиятини янада ривожлантиришга замин яратди.

Ўтган йиллардаги ижобий тажриба давом эттирилиб, яна 100 минг гектар ер деҳқон хўжаликлари ташкил қилиш учун аҳолиға бўлиб берилиши, “Рақамли қишлоқ хўжалиғи” ягона интеграцион платформаси такомиллаштирилиб, махсуслаштирилган “бир дарча” тамойили асосида комплекс хизмат кўрсатиш тартиби йўлга қўйилиши ҳам оқилона қарор

бўлди. Бу, ўз навбатида, янги иш ўринларини яратиш, ёшлар бандлиғиға эришиш, фермер хўжаликлари фаолиятида қулайлик ва тезкорликни оширишға хизмат қилади.

Аёнки, қорвачилик тармоғини ривожлантириш халқимизни арзон ва сифатли гўшт маҳсулотлари билан таъминлашда

етти-саккиз йил аввал соҳаға етарли даражада эътибор берилмасди. Фермер хўжаликларида ҳам соҳаға оид билим ва кўникмалар етишмаслиғи туфайли экинларни жойлаштириш ва юқори ҳосил олишда имкониятлар бой бериларди.

Бугун юртимизда қорвачиликни ривожлантириш, зотли қорва

гўшт ишлаб чиқаришға ихтисослаштирилган мингдан зиёд йирик қорвачилик комплекслари ишға туширилгани, қорва наслини яхшилаш ва махсуслаш ҳажминини кўпайтириш учун аҳолиға 40 минг бош қорамол, 82 мингта қўй ва эчки етказиб берилгани, четдан 260 минг бош зотдор мол олиб келинганини алоҳида қайд этиш керак.

Илгари 200 бош насли мол боқаётган фермерларға қойил қолишарди, ҳозир фермер ва кластерларимиз 10 минглаб насли моллар, 100 минглаб қўй-эчкилар парваришлаб, халқимиз дастурхонига сифатли сут ва гўшт махсуслашларини етказиб бермоқда. Айниқса, бозордаги нархлар барқарорлиғини таъминлаб берапти. Бундай ўзгаришлар фақат айрим қорвадорлар фаолиятида эмас, балки минглаб мулкдорлар ҳаётида юз бераётгани эътиборға молик. Бу юртимизда қишлоқ хўжалиғи соҳасидаги ўзгаришлар натижасидир.

Дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалиғи соҳаси ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиғи соҳасида олиб борилаётган ишловлар халқимизнинг фаровон турмуш кечириши, юртимиз таракқиётини таъминлашнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Энг муҳими, бу янгиланиш ва ўзгаришларни одамлар ўз ҳаётида сезмоқда, ҳис этмоқда.

Одинахон ОТАХОНОВА,
Олий Махлос Қонунилик
палатаси депутаты.

СОҲАДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР ЙУТУҚЛАРИМИЗГА АСОС БЎЛМОҚДА

Президентимизнинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиғи ходимларига йўллаган байрам табриғини жуда катта мамнуният билан тингладим. Боиси кўп йиллардан буюн фаолият юритаётган киши сифатида бугун мамлакатимизда қишлоқ хўжалиғи соҳасида амалга оширилаётган ислохотлардан яхши хабардорман. Айниқса, махсуслаш етиштирувчиларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани бугун биз, деҳқонлар фермерларнинг ғайратимизга-ғайрат, шижоатимизга-шижоат қўшиб, янада катта режалар, марралар сари илҳомлантирмоқда.



Мен 2018 йилда “Нурманова Хуршида” фермер хўжалиғини ташкил этиб, Қашаи туманининг Одоқжонбуз маҳалласи ҳудудидан ажратиб берилган 18 гектар майдонда полиз ва сабзавот махсуслашлари етиштириш билан фермерлик фаолиятини бошлаган эдим.

Ўтган олти йил ичида хўжалиғимиз жуда катта муваффақиятларға эришди. Нафақат туман, балки вилоятдаги энг намунали фермер хўжаликларидаи бирига айландик. Албатта, бу йутуқларимизнинг барчаси давлатимиз томонидан биз фермерларға берилаётган эркинлик, бозор тамойиллари асосида иш юритаётганимиз натижаси, деб биламан.

Асосийси, бугун ўзимиз учун ўзимиз ҳаракат қилаймиз. Қайси махсуслашни етиштирсак, эртага бозори қаққон бўлиши, кўпроқ даромад олишимизни ҳисоб-китоб қилиб, шунга қараб иш кўраимиз. Бу йўлда изланаямиз, интиляймиз.

Имкон қадар ерни бир кун ҳам бўш қолдирмасликка, бир экин ҳосили олинди, дарҳол ўрниға мавсумға мос бўлган кейинги экинни экишға ҳаракат қилаймиз. Бу ҳар гектар ердан олинадиган даромадни янада ошириш учун замин яратадим.

Масалан, бу йил эрта баҳорда ерга картошка, сабзи, пиёз, саримсоқпиёз, тарвуз, помидор, брокколи қарами экиб юқори ҳосил олдик. Яқинда брокколи қарамига бозорға чиқаришни бошлаймиз.

Бўшаган ерларға аллақачон тўқсонбости экинлар эдик. Улар униб ҳам чиқди. Хуллас, йил давомида ўзимиз ҳам тинмаймиз, ерни ҳам тиндирмаймиз.

Албатта, буларнинг барчаси соҳада амалга оширилган ислохотлар, хусусан, эркин бозор тамойиллари жорий этилгани, ҳалол рақобат муҳити юзаға келганида, деб биламан.

Шерзод МАХМАТУРДОВ,
Қашаи туманидаги “Нурманова Хуршида”
фермер хўжалиғи иш бошқарувчиси.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАБРИГИ СУРХОН АҲЛИНИ РУҲЛАНТИРДИ

Юртбошимизнинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиғи ходимларига йўллаган табриғи деҳқончиликда улкан салоҳиятга эга сурхондарёлик миришкорларни янада руҳлантирди, десак, мулолаҳа эмас.

Сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгаришлари, табиий офатлар, ер ва сув ресурслари тақчиллиғи қишлоқ хўжалиғида ҳам жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ана шундай мураккаб шaroитга қарамаздан жорий йилда ҳам қишлоқ хўжалиғи соҳасида улкан марралар забт этилди. Бунинг замирида, ҳеч шубҳасиз, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз аграр тармоғи янги босқичда ривожлантирилгани муҳассам.

Қишлоқ хўжалиғи соҳасида янгича ёндашув, деҳқонларимизнинг меҳнати туфайли бугун бозорларимиз тўқин, аҳоли турмуши фаровон. Бу жараёнда сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиғини ислоҳ қилиш ва бозор механизмларини жорий этиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самараларини бераптир.

Соҳада юз бераётган ўзгариш ва янгиланишлар, забт этилаётган марралар Сурхон



воҳаси мисолида ҳам аққол намоён бўлмоқда. Хусусан, кейинги йилларда сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришға замонавий технологияларни жорий этиш, хўжалик ва қорхоналарнинг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашға катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда вилоятда 40 дан ортик агрокластерлар ташкил этилди. Айни пайтда етиштирилаётган пахта ва ғалланинг 100 фоизи, мewa-сабзавот махсуслашларининг 50 фоиздан

ортиғи агрокластерлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўтган қисқа вақт мобайнида кластер ва фермерлар 1 780 дан ортик юқори унумли техника ва агрегатлар билан таъминланди. Соҳаға рақамлаштириш жараёндиган, томчилатиб суғориш технологиялари, инновациялар жадал кириб бормоқда. Чўланиш, ерларнинг шўрланиши ва деградациясига қарши курашиш, тупроқ унумдорлиғини оширишға алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, ҳудуддаги 46 минг гектар майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилиб, 15 млрд. кубометр сув иқтисод қилинди. Қарийб 55 минг гектар ернинг сув таъминоти яхшиланди. Жорий йилда 15,3 минг гектар ер ўзлаштирилиб, фойдаланишға киритилди. Мазкур май-

донларға озиқ-овқат экинлари экилди, мевали боғ ва тоқзорлар барпо этилди.

Ана шундай имкониятлардан оқилона фойдаланган сурхондарёлик миришкорлар жорий йилда 764 минг тонна ғалла, 274 минг 822 тонна пахта, 1 миллион 600 минг тоннадан ортик сабзавот ва полиз, 273 минг тонна мewa ва узум, 370 минг тонна картошка, 214 минг тонна гўшт, 950 минг тонна сут, 589 минг тона тухум, 2 минг тонна пилла етиштирди.

Келаётган янги йил мамлакатимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “Яшил иқтисодиёт” йили” деб эълон қилинган, айниқса, соҳа ходимлари учун улкан масъулият юклашини чуқур англаймиз. Зеро, қишлоқ хўжалиғининг бугуни ва эртаси ер-сув ресурслари билан чамбарчас боғлиқ,

Президентимиз ишончи, юксак эътирофи ва ғамхўрлиғи биз, сурхондарёликларға янада ўшқинлиқ, куч ва ғайрат, фаоллик бахш этиш билан бирга, масъулиятимизни янада оширди. Келаётган йилда ҳам янгидан-янги зафарларни қўлга киритамиз, албатта.

Фарҳоджон ИСМОИЛОВ,
Сурхондарё вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиғи масалалари бўйича ўринбосари,
«Қишлоқ хўжалиғи фидойиси» кўкрак нишони соҳиб.

ФЕРМЕР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БОШ ИСЛОХОТЧИ

Давлатимиз раҳбарининг бундан етти-саккиз йил муқаддам энди фермер бой бўлади, дея билдирган фикрлари ўтган йилларда ўзининг ҳаётий исботини топди. Қишлоқ хўжалиғидаги ҳаётбахш ислохотлар самарасида яқин йилларғача ҳар гектар пахта майдонидан 25 — 30 центнердан ҳосил олинган марказий Фарғона ерларида ўтган қисқа даврда ҳосилдорлик ўртача 65 — 70 центнерға етди.



Биргина жорий йилнинг ўзида 75 гектар ерда Хитой тажрибаси асосида ҳар гектарда 230 — 250 минг туп гўза ниҳоллари парваришлаб, ҳосилдорликнинг 70 центнердан ошишға эришдик. Замонавий пахта терим машиналари орқали 12 иш кунида 450 тоннадан зиёд пахта ҳосили териб олинди. Фермер хўжалиғимиз тажрибаси вилоят микёсида оммалаштирилди. Қишлоқ хўжалиғи вазирни Иброҳим Абдурахмонов пахта далаларимизда бўлиб, жаҳон тахри-

баси ҳамда олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда олиб бораётган илғор тажрибаларимизни эътироф этгани бизни ниҳоятда мамнун қилди.

Президентимизнинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиғи ходимларига йўллаган байрам табриғида қайд этилганидек, амалиётда илм-фан йутуқлари, инновация технологиялари кенг қўлланаётгани йутуқларимизда муҳим омил бўлмоқда. Табриқда қишлоқ хўжалиғида рақамлаштириш, инвестиция жалб қилиш-

ға эътибор янада кучайтирилиши урғуланди. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиғи фанлар академияси ташкил этилиши ташаббуси илгари сурилди. Шубҳасиз, бундай эътибор ва рағбат рентабеллик, даромадимиз салмоғи янада ошишға хизмат қилади.

Пойтахтимизда ўтказилган байрам тадбирида қатнашиб, кўксимға “Қишлоқ хўжалиғи фидойиси” кўкрак нишони тақилаётганида сидқидилдан қилинаётган меҳнатимиз аҳамиятини янада аққол ҳис етдим. Асосийси, бугун фермер қишлоқ хўжалиғида том маънода бош ислохотчи сифатида намоён бўлаётгани қалбимни ғурурга тўлдирди.

Воҳиджон ОБИДОВ,
Ёёёёё туманидаги “Мезон” фермер хўжалиғи раҳбари,
«Қишлоқ хўжалиғи фидойиси» кўкрак нишони соҳиб.

ХАЛҚИМИЗНИНГ БИРДАМЛИК ҚЎШИҒИ

— Давлат мадҳияси ҳар бир мамлакатнинг мустақиллиғи, куч-қудрати, тарихий қадриятлари ва маънавий дунёсини акс эттиради, — деди Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази директори Фирдавс Абдуҳолиқов. — Бундан ўттиз икки йил муқаддам миллатимизнинг бош қўшиғи қабул қилинган эди. Шундан бери мадҳиямиз Ватанимиз озодлиғи, фаровонлиғи ифодаси сифатида янграб келмоқда. Бу бетақор таронани тинглаганда беихтиёр қалбимизда энг соҳир туйғулар жўш уради. Мадҳиямизнинг гўзал табиати, халқимизнинг азалий қадриятлари, қадимий ва бой тарихимиз, бугунимиз ва буюк келажағимиз тараннум қилинади. Зотан, ҳар биримиз бу қўшиқни дилда сақлашимиз, меҳр-муҳаббат ила қўйлашимиз, авайлаб асрашимиз зарур.

Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси марказини барпо этиш бўйича кенг қўламли ишлар якуниға етмоқда. Шу пайтға қадар Президентимиз бир неча маротаба марказнинг лойиҳалаш ва қурилиш ишлари билан танишиш учун ташриф буюрди. Бу ерни сифати ва мазмунли контент билан тўлдирди ҳар биримиздан алоҳида масъулият талаб қилмоқда. Шу боис бир неча ойдирик, марказнинг илмий ходимлари ва тадқиқотчилари юртимиздаги ҳамда хорижий олимлар билан ҳамкорликда марказ контентни ва концепциясини такомиллаштириш устида иш олиб бормоқда. Шунингдек, Президентимиз ташаббусиға кўра жорий йилнинг 3 — 15 декабрь кунлари қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда “Маърифат қарвони” лойиҳаси доирасида жойларда турли учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Тадбирда мадҳиямизнинг қабул қилиниш жараёндари, унинг ёшларда Ватанға муҳаббат ва садоқат туйғуларини тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида фикрлар билдирилди. Таниқли санъаткорларнинг чиқишлари тадбирнинг байрамона шукўҳини янада оширди.

Қайд этиш жоизки, Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан вазирлик ҳамда идоралар тизимларидаги ташкилот ва муассасаларда Давлат мадҳияси қабул қилинганининг 32 йиллиғи муносабати билан 10 — 15 декабрь кунлари турли маданий-маърифий тадбирлар, викториналар, кўрик-танловлар, челленжлар ўтказилиши кўзда тутилган. Уларда таниқли ёзувчи ва шоирлар, олимлар, маънавият тарғиботчилари, санъаткорлар, истеъдодли ёшлар қатнашди. Жумладан, юртимиздаги таълим муассасаларида “Юракни мадҳ этган садо!” мавзусида очик дарслар, ижодий учрашувлар ва иншолар танловлари ўтказилди.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Биз ва жаҳон

АМЕРИКАДА АМАЛИЙ САНЪАТИМИЗ ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси дипломатлари Вашингтондаги Рональд Рейган халқаро савдо марказида ташкил қилинган “Winternational Embassy Showcase” 11-йиллик маданий ва сайёҳлик фестивалида иштирок этди.



АҚШ пойтахти маданий ҳаётида муҳим воқеаға айланган ушбу тадбир дипломатик корпус, маданий-гуманитар ташкилотлар, жамоатчилик, ишбилармон доиралар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан иборат кенг аудиторияни жамлади. Бу йил фестивалда 6 мингдан ортик кишилар қатнашди, 70 га яқин дипломатик миссия вакиллари ўз миллий мероси, жумладан, санъат, хунармандчилик, пазандалик аъёнларининг бойлиғи ва ранг-баранглигини, шунингдек, ўз давлатларининг сайёҳлик салоҳиятини намоийш қилди.

Тадбир иштирокчилари халқ амалий санъати намуналари ўрин олган Ўзбекистон стендини юқори баҳолашди. Меҳмонлар сайёҳлик ва инвестиция қиритиш учун яратилган кенг имкониятлар билан ҳам танишиб, ўзбек миллий таомларидан баҳраманд бўлди.

Вашингтон халқаро савдо маркази ихрочи директори Эллисон МакКитен мамлакатимиз дипломатларига фестивалда иштирок этгани учун миннатдорлик билдириб, Ўзбе-

кистоннинг бой маданий мероси ва юксак хунармандчилик маҳсулотларини кўришдан хурсанд эканлигини таъкидлади.

Халқаро бугхалтерлар федерациясининг минтақавий вакили Тания Мусури ўзбек маданий меросиға алоҳида қизиқиш билдирди. У ушбу маданий қадриятларни янада яқинроқ кўриш, ўзбек халқининг аъёнлари билан танишиш мақсадида Ўзбекистонға сафар уюштириш истагини маълум қилди.

Мэриленд Жаҳон савдо марказининг глобал ҳамкорлик бўйича катта директори Лорен Купфершид, ўз навбатида, АҚШ жамоатчилигининг Ўзбекистон экспозициясига бўлган қизиқишидан хайратда эканлигини айтиб ўтди. У Тинчлик корпуси кўнгиллиси сифатида Тошкент ва Бухороға қилган ташрифлари ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашар экан, Ўзбекистон ўзининг меҳмондўстлиғи ва илқилиғи билан унда унутилмас таассурот қолдирганини қайд этди.

«Дунё» АА.
Вашингтон

ТАЪЛИМСИЗ, ИЛМ-ФАН РИВОЖИСИЗ ТАРАҚҚИЁТ БЎЛМАЙДИ

Шу йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганига 32 йил тўлди. Ўтган давр мобайнида ушбу ҳужжатга бир неча марта ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Айниқса, ўтган йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда умумхалқ овоз бериш йўли билан мамлакатимиз Конституцияси янги тахрирда қабул қилингани муҳим тарихий воқеа бўлди.

Фикр

Бош қомусимизнинг янги тахрири мазмунан ва шаклан янада тақомиллашган бўлиб, жамиятимизнинг барча соҳасини, жумладан, олий таълим, фан ва ёшлар билан боғлиқ масалаларни кенг қамраб олди. Таълим ҳамда илм-фаннинг ривожланишини таъминлашга қаратилган давлатнинг масъулияти, ёшларнинг ижодий ҳамда интеллектуал ривожланишига йўналтирилган ҳуқуқий ва ижтимоий мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилди. Бу давлатимизнинг келажақдаги тараққиёти учун муҳим қадам бўлиб, олий таълим ҳамда илмий тадқиқотлар соҳасидаги ислохотларнинг мустақам ҳуқуқий асосини яратди, десак, айни ҳақиқатдир.

Асосий Қонунимизнинг 51-моддасига кўра ҳар бир фуқаро олий таълим олиш ҳуқуқига эга. Унинг амалга оширилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилиши шарт. Конституцияда белгиланган ушбу нормада, энг аввало, фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли экани қайд этилган.

Дарҳақиқат, давлат нафақат ўз қарамоғидаги таълим ташкилотлари, балки нодавлат, хусусий ҳамда давлат-хусусий шериклик асосидаги таълим ташкилотларининг ривожланиши учун зарур шарт-шароит-



ларни яратиб беради. Ушбу конституциявий пойдевор ҳамда Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан бугунги кунга келиб олий таълим муассасалари сони сезиларли даражада ошди. Қолаверса, ёшларнинг олий таълим билан қамрови ҳам анча юқорилади. 2023/2024 ўқув йилида олий таълим муассасаларини жами 197 минг 319 нафар талаба таъомлади. Улар замонавий фикрлаши, бир неча хорижий тилларни мукамал билиши, асосийси, ўз мутахассислигининг сир-асрорларини пухта ўзлаштирганили билан ажралиб туради.

Сўнгги йилларда ёшларимизни ҳар томонлама етук, жаҳон тараққиётига мос мутахассислар қилиб тайёрлаш мақсадида олий таълим муассасаларининг молиявий ҳолати яхшиланди, профессор-ўқитувчилар ва талабалар яқиндан қўллаб-қувватланмоқда. Ҳозирда ўқитишдан ортқ олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик

берилган. Бу эса ўқув масканларида таълим сифатини яхшилаш, ўқув ишларини бозор эҳтиёжларидан келиб чиқиб ташкил этиш, меҳнат бозорини ўрганиб, ўқув жараёнини унинг талабларига мослаштириш, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш, соҳани рақамлаштириш орқали бюрократия ва коррупцияни қисқартиришга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, янги тахрирдаги Конституциямизда олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга эканлиги ҳам белгилаб қўйилган. Ушбу норма олий ўқув юр்தларида замон талаблари даражасида сифатли таълим бериш, бу масканлар жозибадорлигини ошириш, халқаро нуфузли олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш ташкилотлари билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш, талабаларни илм-фаннинг энг сўнгги ютуқлари билан таништириш ҳамда фан-таълим натижаларини тижоратлаштириш имконини беради.

Дароқе, Асосий Қонунимизда ўқитувчи-педагогларнинг ҳуқуқий мақоми ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Конституциянинг 52-моддаси ўқитувчиларнинг меҳнати ва фаровонлигига алоҳида эътибор қаратади. Янги тахрирдаги қомусимизда ушбу моддада ўқитувчиларнинг кадр-қиммати, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий ўсиши ҳамда ҳимоя қилиш масалаларига кенг эътибор берилган. Бу орқали таълим соҳасидаги инсон капиталини қўллаб-қувватлаш, мутахассисларнинг шахсий ва профессионал ўсишини таъминлашга йўналтирилган муҳим қадамлар қўйилди.

Айтиш керакки, янги тахрирда-

гидан аввалги Конституцияда ўқитувчиларнинг кадр-қиммати ва ижтимоий ҳимоясини таъминлашга оид қоидалар бор бўлса-да, бироқ уларнинг ижтимоий муҳофазаси аниқ белгиланган модда мавжуд эмас эди. Яъни олий таълим соҳасида ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимоясига оид чегаралар ва аниқ ҳуқуқий механизмлар белгиланмаган эди. Янги тахрирдаги Конституцияда ўқитувчиларнинг меҳнати ҳамда фаровонлигига катта эътибор қаратилган. Хусусан, давлат ўқитувчиларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлигини таъминлаши, уларнинг касбий ўсишини рағбатлантириши ва кадр-қимматини ҳимоя қилиши ҳақида аниқ нормалар белгилаб қўйилди.

Мазкур конституциявий норманинг моҳиятига эътибор берадиган бўлсак, ўқитувчи-педагоглар меҳнати мамлакатимизни ривожлантириш, баркамол авлодни камол топтириш, шу билан бирга, халқимизнинг маънавий ва маданий салоҳиятини янада бойитишнинг асоси сифатида таъкидланмоқда.

Маълумотларга кўра профессор-ўқитувчиларнинг касбий ўсишини рағбатлантириш бўйича биргина жорий йилда 3 минг 450 нафар профессор-ўқитувчи хорижда малака оширганини мисол қилиб келтириш мумкин. 2025 — 2030 йилларда эса хорижда малака оширади-

Сирасини айтганда, таълимсиз, илм-фан ривожисиз ҳеч бир давлатда тараққиёт бўлмайди. Шу маънода, таълим сифатини оширишга қаратаётган эътибор давлат сиёсати даражасига қўтарилиши, қолаверса, бу устувор масалалар Бош қомусимизда алоҳида моддалар билан мустаҳкамлаб қўйилиши замирида ҳам илм-фани юксалтириш мақсади муҳассам. Зеро, бу сай-ҳаракатлар келажақда илм-фан соҳасида улкан муваффақиятларга эришишимизга йўл очади.

Зулфия ПҮЛАТОВА,
Жамоат хавфсизлиги университетининг
Тилларни ўрганиш кафедраси ўқитувчиси,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Спорт

Ўзбек полвонлари мутлақ ғолиб!

Мўғулистон пойтахти Улан-Батор шаҳрида бир ҳафта давом этган кураш бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасида IX, фахрийлар ўртасидаги III жаҳон чемпионати мусобақалари нихоясига етди.



Жаҳон чемпионатида 30 та олтин, 30 та кумуш ва 12 та бронза медалини қўлга киритган полвонларимиз умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади. Кейинги ўринлар чемпионат мезбони Мўғулистон жамоасига ҳамда туркманистонлик курашчиларга насиб этди.

Музаффар полвонларимизни харбий оркестр жўрлигида Тошкент халқаро аэропортида кутиб олиш маросимида мамлакат Кураш федерацияси масъулари, соҳа фидойилари, ота-оналар қатнашди.

Туркияда Термизий қўлёмаси топилди

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази ходими, фахрий профессор Мирзо Кенжабек Туркияда сақланаётган Имом Термизийнинг “Ал-Илал ал-кабийр” асари қўлёмаси ҳақида маълумот берди.

Ноёб асар

Олимнинг айтишича, Имом Термизийнинг ҳаёти ва фаолиятига доир махсус рисола ёзган олим Нуриддин Атр “Китобу-л-илал”нинг Байрутда 1988 йилда чоп этилган иккинчи нашрида Туркия-

нинг қимматли қўлёмаларига бой кутубхоналаридан бирида Термизийнинг “Ал-Илал ал-кабийр” асарининг ягона қўлёмасини кўргани ва ундан фотонусха олиб, ўз тадқиқотининг қайта нашрида фойдалангани ҳақида ёзади.

«Халқ сўзи».

УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИНГ ТҮРТ УЗВҲИЙ ҲАЛҚАСИ

Ўзбекистонда қисқа даврда таълимнинг барча босқичида салмоқли ўзгаришлар амалга оширилди. Кейинги йилларда қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, камчиликларга барҳам бериб, янги имкониятлар, ечимлар топиш йўлидан дадил одим ташланмоқда. Шу нуктаи назардан, педагогика фанлари доктори, профессор Улугбек Иноятонинг таълим соҳасидаги ислохотлар мазмун-моҳиятини атрофлича ёритишга қаратилган “Янги Ўзбекистонда узлуксиз таълим” номли китобининг кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиниши диққатга сазовор.



Китоб жавонингизга

Китоб давлатимиз раҳбарининг “Биз юртимизда Учинчи Ренессанснинг барпо этиш масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий гоа даражасига кўтармоқдамиз. Биз мактабга таълим ва мактаб таълими, олий таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлисуи Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Ўйғониш даврининг тўрт таянч устуни, деб ҳисоблаймиз”, деган сўзлари билан бошланади.

Китобда янги Ўзбекистонни бунёд этиш борасида барча соҳалар қатори таълим тизимига ҳам янги гоярлар кириб келгани, самарадор ўзгаришлар юз бераётгани, учинчи Ренессанс учун мустаҳкам пойдевор яратилаётгани ҳам илмий, ҳам ҳаётий мисоллар асосида таҳлил қилинади. Муҳими, таълимнинг ҳар бир ўзаро узвий боғлиқ босқичида рубога қийраётган ислохотлар мазмун-моҳиятига урғу берилиб, эришилаётган ютуқлар кўрсатиб берилади. Шунингдек, соҳадаги ислохотлардан қўлланган эзгу мақсадлар, стратегик вазифалар ҳам ёритилган.

Китобда, аввало, Президентимизнинг доимий эътибори ва ғамхўрлиги боис ўқитувчиларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада оширишга катта эътибор берилаётгани алоҳида қайд қилинган.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлабқ замонавий билим ва малакага эга бўлган кадрлар тайёрлаш,

ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари қилиб тарбиялаш, шу мақсадда мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислох этиш масалаларини кун тартибига қўйиб келяпти. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ривожланган давлатларда жамият ҳаётини ўзгариштиришга қаратилган ислохотлар, аввало, таълим тизимидан бошланганини кўриш мумкин.

Президентимиз таълим соҳасига бағишланган аксарият йиғилишларда мактабни ўзгартирмасдан туриб одамни, жамиятни ўзгариштириб бўлмаслигига, таълим ва тарбиянинг асосий пойдевори мактаб эканлигига, мактабни мактаб қиладиган куч эса ўқитувчи эканлигига алоҳида урғу берадиган “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади”, деган гоани илгари сурганида ҳам шу маъно муҳассам.

Маълумки, узок йиллар таълимга доир қонунлар, дастурлар қабул қилинганига қарамай мактаблардаги маънавий-маърифий муҳит, ўқитувчи касбининг обрўси ва нуфузи тушди. Инновацион технологиялар жорий этилишига етарли эътибор берилмагани ҳам бор гап. Бу, шубҳасиз, таълим мазмунини ва сифатини пайсаятириб, замонавий фикрлайдиган, малака ва қўникмаларга эга кадрлар тайёрлашда жиддий муаммоларни келтириб чиқарди. Китобда мана шу ҳолатлар асосли таҳлил қилинади ва кейинги йилларда таълим тизими, хусусан, мактаб таълимини тубдан ислох этишга киришилгани ҳаётий мисолларда кўрсатиб берилади.

Таълим тизимидаги ислохотлар ҳақида гап кетганда, табиийки, болаларни мактаб-

гача таълим билан қамраб олишга катта эътибор берилаётганини айтиш жоиз. Хусусан, китобда мактабга таълимни ривожлантириш борасида бошланган ислохотлар натижасида кейинги сақиз йилда мактабга таълим ташкилотлари сони 5,5 баробар қўлайиб, мактабга таълим қамрови 27 фоиздан 74 фоизга етгани таъкидланади.

Бугун ҳаётимизни олий таълим тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Кейинги йилларда бу йўналишда ҳам катта ўзгаришлар қилинди. Президентимиз ташаббуси билан олий таълимга қабул жараёнларини адолат ва шаффофлик мезонлари асосида ташкил этишга, таълим квоталарини қўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Китобда қайд қилинганидек, қамров 2016 йилда 9 фоиз бўлган бўлса, ҳозирда 48 фоизга етди. Олий ўқув юр்தларида замон талабларига мос кадрлар тайёрлашда халқаро тажрибани кенг қўллаш мақсадида ривожланган мамлакатларнинг нуфузли таълим муассасалари билан ҳамкорлик ривожлантирилаётган. Бу эса ёшларда олий таълим олишга бўлган эҳтиёжни қондириш, келгусида улар орасидан истеъодли, истиқболли кадрларни саралаб олиш имкониятини кенгайтирмоқда.

Китобда, шунингдек, олий таълим муассасаларида ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб қилиш, мактаб ўқув дастурларини илгор хорижий тажриба асосида тақомиллаштириш, ўқув юктамалари ва фанларни қайта қўриб чиқиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифатини юксалтириш, диссертациялар сифат ва мазмунини яхшилашда профессор-ўқитувчиларнинг масъулиятини ошириш ва бошқа қўллаб дозлар мақсадлар қамраб олинган.

Китобнинг “Янги Ўзбекистонда узлуксиз таълим” деб номланиши ҳам бежиз эмас. Унда таълимнинг ҳар бир босқичи: мактабга, мактаб, касб таълими, олий таълим ва ундан кейинги таълимда юз берган ўзгаришлар, ислохотлар моҳияти мантиқан, ўзаро боғлиқлиқда таҳлил қилингани асар аҳамиятини оширган.

Уйлаймизки, мазкур китоб таълим соҳасининг ҳар бир ходими фаолиятида қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Турсунбой ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

«Очиқ эшиклар куни»

“Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти томонидан тизим корхонаси ҳисобланган “Чирчиқ ГЭСлар каскади” филиалида 9 декабрь — Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни муносабати билан “Очиқ эшиклар куни” тадбири ташкил этилди.



Тадбирда корхонада коррупцияга қарши курашиш йўналишида амалга оширилаётган ишлар фаолиятга доир янгиликлар тўғрисида маълумот берилди.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг Комплаенс-назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиги Шавкат Каратаевнинг айтишича, “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунда коррупцияга қарши курашининг асосий принциплари кўрсатиб ўтилган. Бу каби ишларни рақамлаштириш жараёнларисиз амалга ошириб бўлмаслигини инобатга олиб, бунга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, тадбирда харидлар тизимида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш борасида қилинаётган ишлар хусусида ҳам сўз юритилди.

Самолёт чипталари учун чегирма



“Uzbekistan Airways” АЖ ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари талабалари учун барча маҳаллий авиақатновлардаги эконо-класс авиақатновлари тарифларига 50 фоизгача чегирма эълон қилди.

Маълумотларга кўра ушбу чегирма шу йил 23 декабрдан бошлаб 2025 йилнинг 7 январига қадар амалга ошириладиган авиақатновлар учун амал қилади.

Чегирмали чипта учун давлат муассасасида ўқиниш тасдиқловчи ҳужжат талаб қилинади.

Болалар кутубхонаси замонавий қиёфада



Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджетидан ажратилган 2 млрд. 275 млн. сўм маблағ эвазига вилоят болалар кутубхонаси замонавий кўринишга келтирилди.

Бугунги кунда мазкур зиё маскани фонди 105 400 нусхани, электрон адабиётлар сони 10 520 тани ташкил қилади. Кутубхонага жорий йилда 22 минг 400 нафар китобхон аъзо бўлган.

Бу ерда адабиётларни сақлаш, маълумот ва библиография, услубий, ахборот ресурслари ва технологиялари, маданий-оммавий тадбирлар, мактабларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш ҳамда китобларни жамлаш ва каталог яратиш бўлимлари мавжуд.

«Халқ сўзи».

10 — 13 декабрь кунлари Қарши шаҳрида «Беш ташаббус олимпиадаси» спорт мусобақаларининг республика финал босқичи бўлиб ўтади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 909 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатий маълумотларни юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Тахриратта келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.
Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашіриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашіриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6